



МОВАРОУННАХРДА ҲАНАФИЙ ФИҚҲИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА ТАРАҚҚИЁТИ

Сайқал Аҳмедов

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

“Исломшунослик ва ислом цивилизациясини ўрганиш
ICESCO” кафедраси тадқиқотчиси

Ушбу мақолада: Мовароуннаҳрда ҳанафий фиқҳининг шаклланиши ва тараққиёти, Чиғатой Улусидаги илмий ва ижтимоий-сиёсий ҳолат ҳақида маълумот берилган.

Калит сўзлар: Мовароуннаҳрда Абу Баракот Насафий, фиқҳ, Насаф, тафсир, ақида, ҳадис, имом, ҳанафийлик мазҳаби, Чиғатой, мотуридийлик таълимоти.

This article: provides information on the formation and development of Hanafi jurisprudence in Movarounnahr, the scientific and socio-political situation in the Chigatay Ulus.


Key words: Movarounnahr, Abu Barakat Nasafi, fiqh, Nasaf, tafsir, aqeedah, imam, Hanafi school, Chigatay, Moturidi doctrine.

В данной статье представлена информация о становлении и развитии ханафитской юриспруденции в Мовароуннахре, научной и общественно-политической ситуации в Чигатайском улусе.

Ключевые слова: Мовароуннахр Абу Баракат Насафи, фикх, Насаф, тафсир, ақида, ҳадис, имам, ханафитская школа, Чигатай, учение Мотуриди.

Дастлаб ҳанафий мазҳаби Абу ханифа роҳимаҳуллоҳ шогирдлари томонидан шаклланди.

Ҳанафий мазҳабининг асосий илдизи буюк саҳобий Абдуллоҳ ибн Масъуд “розияллоху анху”га нисбат берилади. Умар ибн Хаттоб “розияллоху анху” у зотни Куфага жўнатаётганида шундай деган сўзлари ривоят қилинади. “Мен сизларга Аммор ибн Ёсирни амир, Абдуллоҳ ибн Масъудни муаллим ҳолда вазир қилиб жўнатаяман. Икковлари ҳам Роусулulloҳ “алайҳиссалом” билан Бадрда қатнашган улуғ саҳобаларидир. Абдуллоҳ ибн Масъудни байтул молингизга бошлиқ қилдим. Улардан илм ўрганинглари. Сизларни ўзимдан афзал кўрганим учун Абдуллоҳ ибн Масъудни сизларга юбораябман”. Абдуллоҳ ибн Масъуд бир қанча вақт Куфада қолиб у ерда дарс бериб умрларининг охирида Маккага қайтганлар. Куфада У зотнинг шогирдлари ичида Алқама, Ҳорис, Масруқ, Абу Майсара, Абийда, Асвадлар бор эди. Саҳобалар асридан кейин Алқамадан Куфанинг улуғ зотлари илм ўрганди. Улар орасида Иброҳим Нахийий устози Алқаманинг йўлини тутди. Вафот этганидан кейин унинг ўрнини Куфа муфтийси Ҳаммод ибн Абу Сулаймон эгаллади. Устози Иброҳим Нахийий ҳаётлик даврида шогирдларига шундай васият қилар эди: “Мендан кейин Ҳаммодни





маҳкам тутинглар. Зеро, у инсонлар мендан сўрайдиган масалаларнинг барчасини ўрганиб бўлди”. Абу Ханифа “роҳимахуллоҳ” фикҳни Ҳаммоод ибн Абу Сулаймон “роҳимахуллоҳ” хузурида ўн саккиз йил устозидан фикҳ илмини ўрганди. Имом Абу Ханифа “роҳимахуллоҳ” Ҳижозга кўп борар эди, ҳатто умавийлар халифалигининг охириги даврида аббосийлар давлати ташкил топгунига қадар малум муддат Макка шаҳрида кўним топди. Ҳар бир сафариди буюк саҳобий Абдуллоҳ ибн Аббос “розияллоху анху” нинг шогирдларидан илм ўрганишга ҳаракат қилар эди. Шунга кўра ханафий мазҳаби ривожланишининг дастлабги босқичи Абу Ханифа “роҳимахуллоҳ”нинг ҳаётлик пайтларида талим ва фатво беришлари билан бевосита боғлиқ.

Имом Нўмон ибн Собит Куфий ҳижрий саксонинчи йили Абдулмалик ибн Марвон халифа даврида Куфа шаҳрида туғилган. Бази ривоятларга кўра Имом хабсдаги қийноқдан, бошқа бир ривоятга кўра захарланишдан ҳижрий бир юз эллигинчи йил Ражаб ойида Бағдодда вафот этган. Абу Ханифа “роҳимахуллоҳ” дастлаб калом илми билан шуғулланиб, бидатчи ва ақидада адашган фирқалар билан кўп мунозаралар олиб борган. Шундан кийин Имом бу йўл олдин ўтган саҳобаи киромларнинг тутган йўли эмаслигини билгач фикҳ илмини ўрганишга астойдил киришади ва бу илмда ҳам ўз даврининг энг етук олими даражасига эришади. Имом ўзи бу борада шундай келтириб ўтади: “Менга калом илмида баҳслашиш маҳорати берилди. Баҳсларда бидатчи тоифалар кўп эди. Мен улар билан мунозара олиб бориш учун бир неча мартта борганман, бир муддат у ерда яшаб ҳам қолар эдим. Мантиқ илми бўйича фикр юрита бошладим. Сўнгра ўзимга шу саволни бера бошладим: “Салафи солиҳлар биздан кўра ҳақиқатни кўпроқ билишар эди. Улар биздан кўра ҳақиқатни кўпроқ англашига қарамасдан баҳс-мунозарага киришмасди, балки ўзларини бундан олиб қочишар эди. Бунинг ўрнига илм ўрганиш ва уни бошқаларга ўргатишга кўпроқ ҳарис эди”. Шунинг учун калом илмидан вос кечдим ва фикҳ илмини ўрганишга астойдил киришдим. Яна шунга амин бўлдимки, калом илми билан шуғилланганларнинг қалби қаттиқ ва уларнинг кўриниши солихларникидан бошқача эди. Қуръон, ҳадис ва салафи солиҳларга этиборсиз ҳатто уларга хилоф қилишар эди. Агар калом илми билан шуғилланиш яхши бўлганида эди, у зотлар ҳам албатта бу билан шуғилланишган бўлар эди. Аллоҳга ҳамдлар бўлсинки мен, шу туфайли бу йўлдан вос кечдим”. Имомнинг шакл шамоилли ҳақида ўғли Ҳаммоод ибн Абу Ханифа шундай келтиради: “Кўриниши сарғиш баланд бўйли, хуш суратли, доимо хуш бўй миск ишлатар эди” Алиюл Қорий “ат-Табақот” да айтишича, Имом Абу Ханифа “роҳимахуллоҳ”нинг бази саҳобаларни кўргани келтириб ўтилган.

Тарихчи олимлардан кўпчилиги Имомни тобеинлардан кийинги авлод бўлиб улар яшаган даврда яшаган, лекин уларнинг суҳбатларида бўлмаган, деб келтиришади. Аммо базилари эса у зотнинг тобеин бўлганлиги ва бир нечта саҳобалар билан учрашгани, ҳатто Анас ибн Молик “розияллоху анху”дан “Илм





талаб қилиш ҳар бир мусулмонларга фарздир” ҳадисини ривоят қилганлигини айтиб ўтишади. Ҳофиз Заҳабий “Тазкиротул ҳуффо” асарида келтиришича, Имом Абу Ханифа “роҳимаҳуллоҳ” Анас ибн Молик “розияллоҳу анҳу”ни Куфага келганларида бир неча марта кўрган. Жалолиддин Суятий ҳам Имом ҳақида сўралганида, у зотни бир неча саҳобаларни кўрган деб жавоб берганлиги ҳам келтирилган.

Имом Абу Ханифанинг устозлари сони тўрт мингтага етган ва шогирдлари эса бундан ҳам кўпоқ бўлган деб келтирилади. Бунда бир мунча муболаға бўлсада аслини олганда ҳам Имомнинг устозлари ва шогирдларининг сони кўп бўлган. Имомнинг фазли борасида Абу Бакр Косоний шундай келтиради: “Абу Ханифа саҳиҳ деган ҳадисга ҳеч ким тана қила олмайди”.

Имом Молик “роҳимаҳуллоҳ” Абу Ханифани кўрганмисиз деб сўралганида, у ҳа, агар ушбу устунни тилла демоқчи бўлса, унга ҳужжат келтириб бера олишлигини кўрдим, деб жавоб берган”. Имом Абу Ханифа “роҳимаҳуллоҳ” яшаган даврларда китоб ёзиш олимлар орасида урф бўлмаган. Аммо табақот, тарожим каби китбларига мурожаат қилинадиган бўлса, Имомнинг бир қанча китоблар соҳиби эканлиги айтиб ўтилган.

Жумладан: “Китобу солат”, “Китобу роҳн”, “Китоб фи –ш-шурут”, “Китоб фил-фароиз” каби китоблар. Бундан ташқари бир қанча китоблар У зотга нисбат берилади. Жумладан “Ал-фикҳу ал-акбар”, “Ал-олим вал-мутъаллим”, “Рисолату ила Усмон Баттий”, “Ал-Васоя”, каби китоблар.

Ханафий мазҳабининг ривожланишида асосий тўрт шогирдлари Имом Зуфар, Абу Юсуф, Муҳаммад ва Хасан ибн Зиёдларнинг ҳиссаси катта бўлган. Улар орасида икки шогирди Имом Абу Юсуф ва Имом Муҳаммадлар ханафий мазҳабини ўлкада кенг ёйилиши ва Устози Абу Ханифанинг фикҳ ва ақоид борасидаги илмларини китоб шаклида жамлаш, ривожлантиришда алоҳида хизматлари катта бўлиб, “Соҳибайн” деган буюк мақомга эришган.

Шунга кўра ханафий мазҳабининг ўлкаларда кенг ёйилишида сосан учта омил сабаб бўлган.

1. Имомнинг шогирдлари кўплиги ва улар устозидан ўрганган илмини тарқатишга катта аҳамият қаритишгани. Улар устозига жуда оз ўринларда хилоф қилган бўлишсада асосий ва кўп ўринда фикҳий қарашлари бир бўлган.

2. Абу Ханифанинг шогирдларининг шогирдлари ҳам худди тепада айтилган йўлни тутишди, ханафий фикҳи ёйилишида ўз хиссаларини кўшишди.

3. Ханафий мазҳаби беш асрдан ортиқ Аббосийлар давлатининг расмий мазҳаби бўлиб келган. Халифа Ҳорун ар-Рашиб Имом Абу Юсуфни қози қилиб тайинлаган, шу тарзда Имом Абу Юсуф Халифа тасарруфидаги ўлкаларда ханафий фақиҳларини қози қилиб тайинлаган.

Абу Ханифа “роҳимаҳуллоҳ” мазҳаби Мавороуннаҳрда кенг тарқалди. Балх Афғонистоннинг шимолидаги шаҳар бўлиб ўз даврнинг муҳим тижорат йўлида жойлашган. Боғдодга илм олиш мақсадида келган толиби илмлар Имомнинг





илмий мажлисида бир нечча йил бўлиб, шаръий илмларнинг мукаммал эгаллагач ўз диёрларига қайтиб Абу Ханифа “роҳимахуллоҳ” нинг мазҳабини ўзи яшаб турган жойда кенг ёйганлар. Булар орасида Балхдан келган талабалар ҳам бўлганлиги ҳақида баҳслар юритилади. Жумладан: Абу Умар Муҳаммад ибн Маймун ибн Баҳр ибн Саъд ибн Раммоҳ (ваф. 171/787 й.), Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Сулаймон ибн Зиёд (ваф. х. II ярми), Абу Муҳаммад ибн Салим ибн Солим Балхий (ваф. 194/809 й.) лар каби бир канча уламолар.

Мана шунай буюк олимлар ханафий мазҳабини бу ўлкаларда ёйилишида ўзларининг хиссаларини қўшишган. Шу тарзда ушбу мазҳам Мавороуннахрнинг бошқа шаҳарларига ҳам тез ёйилди. Имомнинг ўзи қозилик мансабини рад этган бўлсада, кийинчалик шогирлари ичида қозилик ва шу каби ўринларда фаолият юратди. 28 таси қози, 6 таси муфтий ва 2 таси таълим даргоҳида бош мударрис бўлишган. Самарқанд ва Бухоро каби катта шаҳарларда ханафий фикҳининг кенг тус олишига асосий сабабчи бўлган шагрдларидан Абу Муқотил Ҳафс ибн Салим Фаззорий, Наср ибн Абдулмалик Атакий, Шарик ибн Абу Муқотил, Маъруф ибн Абу Ҳасан, Юнус ибн Собих ва Исҳоқ ибн Иброҳим Ҳанзалийлардир. Шу тариқа Самарқандда калом илми мактаби ҳам пайдо бўлди.

Мавороуннахр ўлкалари ўтмишда жуда кўплаб аёвсиз босқинларни бошдан кечирган. Нахшаб ва унинг теваарак атрофида жойлашган шаҳару манзиллар эрон, муғул ва Чор Россияси истилолари каби. Мана шундай мавороуннахр ўлкалари тамадунига салбий тасир ўтказган муғул юришлари жуда аянчли ҳолатларни келтириб чикарди. Сўнги ханафий фикҳи борасида китоб ёзган забардас олимлардан Аллома Абу Барокот Насафий яшаган давр мана шундай аянчли ҳолатларни бошидан ўтказган бўлсада, олим ўзининг илм олдидаги вазифасини адо этди ва фикҳ, тафсир, ақоид ва усул илмлари борасида бир канча асарлар ёзди. Насафийнинг “ал-Вофий” асари фикҳдаги илк асари бўлиб сўнгра ўзи унга шарҳ битиб “ал-Канз” деб номлади. Хозирда “ал-Канз” китоби талабалар ва устозлар учун асосий мутабар қўлланмалардан бири вазифасини бажариб келмоқда.

